



Умида ТЕШАБАЕВА,
 Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
 Миллий кутубхонаси директори ўринбосари

ЯНГИ ИМКОНияТЛАР ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

This article describes the effective use of inter global network by the information library organizations and the modern methods of fulfillment the funds of the libraries with information library resources. Moreover, in this article one can find the information about today's publishing houses and interactive services, which are provided by major libraries.

Интернетни бир бозорга ўхшатишади. Ундан харидор исталган нарчасини харид қилади. Кимдир ундан нон олади, либос олади, кимдир дори олади, кимдир эса шунчаки айланиб, шундан лаззат топади. Бугунги кунда ёшлар ўртасида Интернетга бўлган қизиқишнинг ҳаддан ташқари ортиши ахборот-кутубхона муассасалари вакилларининг ҳам бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратишини талаб қилмоқда. Мақсад – кутубхона бисотини кенг тарғиб қилиш, Интернет “бозор”идан муносиб жой эгаллаб, болаларни маънавий сари етаклашдир.

Бугунги кунда интернет-дўконлари жадаллик билан ривожланиб, кенгайиб, такомиллашиб бораётгани ҳам сир эмас. Ундан ҳаётимизнинг барча жабҳасида, шунингдек, кутубхоналаримиз тарғиботи, китоблар савдоси ҳамда нашриётлар фаолиятини ёритишда ҳам кенг фойдаланиб келинмоқда. Китобни тарғиб қилиш ва сотишга мўлжалланган сайтларнинг тузилиши жуда қулай, қидирувни амалга оширишнинг барча воситалари билан таъминланган бўлиши керак. Бу давримизнинг бизга қўйган талабидир!

Ҳозирги вақтда кутубхона фондиди жамлаш билан шуғулланадиган мутахассислар учун нашрлар ҳақида маълумот берувчи кўплаб нашриётлар серверлари, обуна агентликлари, онлайн-китоб дўконлари, кутубхоналар каталоглари, тармок ва универсал маълумотлар базалари мавжуддир. Хориж кутубхоналари янги нашр қилинган китобларнинг аннотацияланган каталогларини тузиб, ўз сайтларида бериб бориш яхши йўлга қўйилган. Масалан, Россия давлат болалар кутубхонаси ва Пушкин кутубхонаси нотижорат фондининг “Болаларга болалар ҳақида: Россия нашриётлари бугун”

электрон каталоги www.rgdb.ru сайтидан янги нашрлар ҳақида ахборот олиш мумкин. Бу ҳар чоракда нашр қилинадиган аннотацияланган каталог бўлиб, у янги болалар адабиёти билан таништириб боради. Каталогнинг вазифаси – кутубхоначиларга рус тилида чоп этилаётган кўплаб болалар адабиёти оқидамида осон ҳаракатланишларини таъминлашга ва фондларни қизиқарли ҳамда сифатли китоблар билан жамлашга ёрдам беришдир.

Бундай каталогларга, аваламбор, биринчи бор нашр қилинган китоблар; таниш муаллифларнинг янги асарлари ва машҳур бўлиб улгурган асарларнинг янги таҳрири; мамлакат ва халқаро совринлар ҳамда танловлар лауреатлари бўлган китоблар киритилади. Каталоглар тавсия характерига эга бўлиб, йил чорагида чоп қилинган барча нашрлар ҳам кирмайди. Каталогдан жой олган нашрлар ўзида библиографик тавсиф, аннотация, муқованинг сурати ва чоп этилган нашр ҳақида тушунча берувчи маълумотларни акс эттиради. Тавсия қилинаётган китобхоннинг ёши икки марта: биринчи ёш тоифаси Россия федерациясининг “Болаларни уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан, айтайлик 0+, унинг ёнида эса тавсия қилинаётган ёш (каталог тузувчилари ва Россия давлат болалар кутубхонаси хизмат кўрсатиш бўлими мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган меъёрлар асосидаги ёш кўрсаткичи), масалан 3 ёки 5 ёш кўрсатилади.

Шу ўринда, мамлакатимизда 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ҳам ахборот маҳсулотини экспертизадан

ўтказиш, ахборот маҳсулотининг айланиши ҳамда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот ҳамда бошқа шу каби, қатор тушунчалар мазмуни батафсил ёритилган. Демак, Республикамиз ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари фондларни адабиётлар билан тўлдиришда, китобхонга тавсия қилаётган китобларни унинг ёшига эътибор берган ҳолда ҳамда Интернет ёрдамида китобхон талаби бўйича изланаётган материалларни юклашда ҳам ёш таснифи асосий мезон эканлигини ёдда тутишлари зарур.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишда:

- унинг мавзуси, жанри, мазмуни ва бадиий беазаги;
- муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотнинг идрок этилиш хусусиятлари;
- ундаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли баҳоланади.

Эндиликда мамлакатимизда фаолият юритаётган нашриётлар сони 115 дан зиёдни ташкил қилмоқда. Аммо уларнинг бугунги кундаги фаолияти қоникарлими? Нашриётлар ахборот технологиялари ва унинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланишмоқдами? деган савол ҳам ўртага тушади. Зотан, бугунги кунда бундай тарғибот усулларидан фойдаланмасдан соҳанинг ривожланиши қийин. Шу ўринда, нашриётлар фаолияти ва ундаги турли хизматларни Интернет орқали амалга ошириш – айна даврнинг талабидир. Ахборот-кутубхона муассасалари фондларини янги чоп этилаётган нашрлар билан бойитиш учун, қолаверса, китобхонни янги китоблар билан таништириш мақсадида нашриётларнинг расмий веб-сайтларида бир қанча интерактив хизматлар жорий қилинган. Шунингдек, онлайн китоб дўконлари хизматидан ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан, <http://www.book.uz> онлайн китоб дўкони, <http://www.kitoblardunyosi.uz> ва бошқалар. Шу ўринда, <http://www.kitoblardunyosi.uz> электрон тижорат соҳасидаги энг яхши сайт деб топилган. Ҳозирда унда бир ярим мингга яқин бадиий, илмий-маърифий, болалар ва жаҳон адабиёти асарлари билан яқиндан танишиш ва харид қилиш имконияти яратилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг <http://www.sharq.uz> сайтида кутубхоналар ва китобхонларни қизиқтирувчи бўлимлар ташкил қилинган. Маҳсулотлар бўлимида чоп этилаётган нашрлар йўналишлар бўйича берилган. Жумладан, бадиий адабиёт, болалар адабиёти, рус адабиёти, ўқув адабиёти, альбомлар ва бошқа адабиётлар.

Интерактив хизматлар бўлимида эса “Онлайн кутубхона” ва “Онлайн буюртма” бериш хизматлари мавжуд бўлиб, нашриётда чоп этилган китоблар рўйхати билан танишиш ва керакли китобга буюртмани расмийлаштириш мумкин. Бундай имкониятдан ахборот-кутубхона муассасалари кенг фойдаланишлари жуда муҳим. Нафақат юртимизнинг, балки дунёнинг исталган нуқтасида туриб, ушбу хизматдан фойдаланиш мумкин. Сизни қизиқтирган “Онлайн буюртмани” амалга ошириш жараёнида, мижоздан ўзи ҳақидаги маълумотларни тўлдириш: e-mail, исми, фамилияси, манзили, телефон рақамини қолдириш талаб қилинади, бундан ташқари, буюртмага шарҳлар бериш имкони ҳам мавжуд. Буюртмани тўлов амалга оширилгандан кейин 3 кундан 10 кунгача етказиб бериш йўлга қўйилган.

Ижтимоий ҳаётимизнинг ахборотлаштириш даврига ўтиши ахборот-кутубхона муассасалари фондларини икки турга: анъанавий ва рақамли фондларга бўлиб ўрганишни талаб қилмоқда. Мутахассислар фикрича, кутубхоналарда босма нашрларнинг барча турларини сақлаш зарур, аммо уларнинг рақамлаштирилган варианты ҳам, албатта, фондда бўлиши зарур. Шу ўринда, кутубхоналарга фақатгина лицензияга эга маҳсулотлар келиб тушиши ҳамда ҳар қандай лицензияси йўқ, контрафакт (бировнинг асарини қонунга хилоф равишда қайта нашр этиб, муаллифлик ҳуқуқини бузиш) маҳсулотларни қабул қилишга йўл қўйилмасликка алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ахборот-кутубхона муассасалари томонидан ўз фондлари учун ресурсларнинг электрон шаклини ҳам олиш одатий ҳолга айланган. Яъни нашр қилинаётган китобларнинг, ҳатто журналларнинг ҳам электрон шакли олинади ва босма нашри билан ёнма-ён қўйилади. Бугунги кунда кутубхонанинг электрон ресурслари – DVD дисклардаги ҳужжатли, бадиий ва мультипликацион видеоматериаллар, турли мавзулардаги электрон ҳужжатлар (компакт-дисклар), аудио-китоблар, микрофиш ва микроформалардаги ресурслар ташкил қилади. Кутубхоналар учун харид қилинаётган ҳужжатларнинг энг оммабоп турлари: мультимедиа таълим дастурлари ва ўқув қўлланмалар, шахарлар ва тарихий жойлар, музейлар бўйича йўлқўрсаткичлар, бадиий альбомлардан иборатдир.

Электрон ҳужжатлар билан фондларни тўлдириш кутубхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Қоғозсиз ахборот ташувчилардаги электрон ҳужжатларга мутахассислар фикри ва қарашлари турлича. Бунинг

салбий томонлари бундай ресурслардан асосан кутубхонанинг ичида фойдаланилиши, янги ахборот технологияларини ривожланиши билан қоғозсиз ахборот ташувчилар тез эскиради ва ўз долзарблигини йўқотади. Ижобий томонлари имконияти чекланган фойдаланувчилар аудиокитоблардан фойдаланиши, шунингдек, китобхонлар учун ҳам асарни узоқ вақт мутолаа қилмасдан, уни тинглаб қўйиши (асосан мактаб ўқувчилари), талабалар эса ўз вақтини тежаш мақсадида электрон ресурсларни флешкаларга юклаб олишлари каби бир қатор имкониятлар мавжуд.

Фондларни электрон ресурслар билан бутлаш асосан танлаб амалга оширилади, келиб тушишлар (мажбурий нусхалар, совға ва ҳады қилинган элек-

трон китоблар) жуда кам фоизни ташкил қилади. Кутубхоналарда жуда кўп фойдаланилаётган ва талаб қилинаётган электрон ресурс бу – аудиокитоблар. Ахборот-кутубхона муассасалари бугунги кун китобхонага энг янги электрон ва аудиокитоблар билан хизмат кўрсатишлари учун www.e-hilolnashr.uz сайтидан электрон ва аудиокитобларни харид қилишлари мумкин.

Ниятимиз, болалар қандай воситалар билан бўлса-да, сифатли китоблар ўқисин, шунда маънавиятли, зукко, шижоатли ёшларимиз сафи ортади. Бугун китобни кўлида тутган бола, эртага юрт эгаларидан бўлиши, шубҳасиз. Бунга ўзингизни масъул ва жавобгар ҳис қилинг!



Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона
маркази директори

КУТУБХОНА БОШҚАРУВИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ ДАВР ТАЛАБИДИР

Ўзбекистонлик ахборот-кутубхона соҳаси мутахассисларининг Америка Қўшма Штатларига хизмат сафари таассуротлари тўғрисида

International libraries, association and their experience play a crucial role in strengthening the development of our library staff, as well as organizing information and library services to meet the international standards. This article provides information about the USA's experience of the library staff to share Uzbekistan experiences, study state and public libraries, various projects, the roles and responsibilities of association and familiarize with the activities of various libraries.

АҚШ Давлат департаменти томонидан амалга оширилган "Кутубхона бошқаруви ва менежменти" дастурига асосан 2018 йил 22 январдан 9 февралгача Ўзбекистонлик бир гуруҳ кутубхона соҳаси вакиллари хизмат сафарида бўлиб қайтдик. Дастур иштирокчилари мамлакатимиз ахборот-кутубхона соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб бораётган Марат Раҳматуллаев (Тошкент ахборот технологиялари университети, Ахборот ва кутубхона тизими кафедраси профессори), Барно Ғаниева (Тошкент ахборот технологиялари университети, Ахборот ва кутубхона тизими кафедраси мудири), Нусрат Камиллов (Республика ахборот-кутубхона маркази директор ўринбосари), Бекзод Саттаров (Респу-

блика ахборот-кутубхона маркази, ахборот технологиялари бўлими мудири), Барно Шамсематова (Тошкент Ислон университети кутубхоначиси) ва каминалардан иборат эди.

Ушбу дастурнинг асосий мақсади:

- Америка жамиятидаги кутубхоналари бошқаруви, турли лойиҳалар ва ассоциациянинг роли ва вазифаларини ўрганиш;
- АҚШдаги турли кутубхоналар тизими ва фаолияти билан яқиндан танишиш;
- кутубхоналарда рақамли ва онлайн хизматлар бўйича замонавий ахборот технологияларини ўрганиш;
- АҚШ кутубхоналарида дастурлар ва фаоли-